



“29” сентябрь 2020 йил № 3089-К

Qo'shrabot t, - p. Кушрабад

Туманда ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 965-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан тақдим этилган туман ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш ўринларининг энг кам миқдорини белгилаш юзасидан таклифларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиши лозим бўлган тумандаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қайд қилинган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қуйидаги ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар тоифалари учун иш ўринларини банд қилиб қўйишни таъминласин:

ўн тўрт ёшгача болалари бўлган ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун 33 % фоиз (106 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 50,8 % фоиз (163 киши);

сафарбарлик чакируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар 4,7 % фоиз (15 киши);

ногиронлар учун 3,1 % фоиз (11 киши);

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 1,5 % фоиз (5 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар 5,2 % фоиз (17 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 1 % фоиз (3 киши);

атрофдагилар учун хавф туғдирмайдиган ижтимоий аҳамиятли касалликлардан азоб чекувчи шахслар учун 0,7 % фоиз (2 киши).

3. Корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2020 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи миқдоридан, 2021 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги Низомга (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда захирага қўйилишини (ажратилишини ёки банд этиб қўйилишини) ҳамда иш жойлари санитария-гигиена

нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши кўрсатиб ўтилсин.

6. Ушбу қарорда белгилаб қўйилган тоифаларга мансуб шахсларни ортиги билан қабул қилган корхона, муассаса ва ташкилотларга туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги 19-2019-Б-сонли буйруғига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163) асосан субсидия ажратилишини таъминласин.

7. Низом талабига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоринда тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдоридан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу ўринларни ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini Марказ билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Марказ директори (Д.Аликудов) беш кун муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Туман ҳокимининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Туманда ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозоринда тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2020 йил учун банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 5394-Қ-сонли қарори 2020 йилнинг 31 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари И.Сайфиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Оқбутаяев